

Хабибулло АЗИМОВ
Тошкент давлат шарқишунослик
университети ўқитувчиси,
мустақил тадқиқотчи

“СУРИЯ ИНҚИРОЗИ”НИНГ ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИ МУНОСАБАТЛАРИГА ТАЪСИРИ

ВЛИЯНИЕ “СИРИЙСКОГО КРИЗИСА” НА ОТНОШЕНИЯ ВОСТОЧНЫХ ГОСУДАРСТВ

IMPACT OF THE “SYRIAN CRISIS” ON RELATIONS IN EASTERN STATES

Аннотация. Ушбу мақолада Шимолий Африка ва Яқин Шарқ минтақасида вужудга келган ҳамда “Араб баҳори” номини олган халқ ҳаракатининг юзага чиқиши таҳлил қилинган. Шунингдек, унда “Араб баҳори” натижасида Шимолий Африка ва Яқин шарқ давлатларида, жумладан Суриядаги юз берган сиёсий инқирознинг минтақадаги бир қатор мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий, халқаро муносабатларига хусусан, Туркиядаги ижтимоий-сиёсий ҳамда иқтисодий жараёнларга кўрсатган таъсири ва уларнинг оқибатлари, бу таъсирнинг ҳозирги ва истиқбол натижалари ҳақида батафсил мулоҳаза юритилган.

Калим сўзлар: “Араб баҳори”, Туркия-Сурия муносабатлари, курдлар, РПК (Курдистон ишчи партияси), PYD-YPG (Демократик бирлик партияси - Халқ мудофааси отряди), қочқинлар.

Аннотация. В данной статье анализируется возникновение народного движения в Северной Африке и на Ближнем Востоке, известного как «арабская весна». Также рассматривается влияние политического кризиса «арабской весны» в Северной Африке и на Ближнем Востоке, включая Сирию, на социально-экономические и международные отношения ряда стран региона, в частности на общественно-политические и экономические процессы в Турции.

Ключевые слова: «Арабская весна», турецко-сирийские отношения, курды, РПК (Рабочая партия Курдистана), PYD-YPG (Партия демократического единства), беженцы.

Annotation. This article examines the emergence of a popular movement in North Africa and the Middle East known as the Arab Spring. It also examines the impact of the political crisis of the “Arab Spring” in North Africa and the Middle East, including Syria, on

the socio-economic and international relations of a number of countries in the region, in particular on the socio-political and economic processes in Turkey.

Keywords: Arab Spring, Turkish-Syrian relations, Kurds, PKK (Kurdistan Workers’ Party), PYD-YPG (Democratic Unity Party), refugees.

КИРИШ

2010 йилнинг охирларидан Шимолий Африка мамлакатларида бошланган ва қисқа фурсатда Яқин Шарққа кириб келган инқилобий оммавий ҳаракатларга “Араб баҳори” номи берилди. Халқнинг мавжуд авторитар тузумга қарши ислохотларни талаб қилиб чиқиши ва бунинг бир қатор ривожланган хорижий давлатлар томонидан демократлаштириш ҳаракати сифатида таърифланиши сабабли воқеалар “Араб баҳори” номини олди. Бу халқ ҳаракатлари мазкур номдан ташқари “Араб уйғониши”, “Араб исёни”, “Араб кўзғолони” шаклларида ҳам аталган эди. “Араб баҳори” тушунчаси 1968 йилда Чехославакияда Собик Иттифокка қарши кўтарилган халқ кўзғолони - “Прага баҳори”га қиёсан пайдо бўлди[1]. “Араб баҳори”нинг мақсади баъзи йирик давлатлар сиёсий элитасининг қарашларига кўра турғунлик даражасига тушуб қолган мамлакатларда демократик ислохотлар ўтказилишини таъминлаш, яъни авторитар тузум ҳукмронлик қилган айрим давлатлардаги бошқарувни ўзгартириш эди. Қисқа фурсатда воқеалар ривож жадаллашди, халқ ҳаракати ва ҳукумат кучлари тўқнаш келди, Миср, Тунис ва Яман бошқарувида ўзгариш юз берди, Ливия ва Сурияда вазият мураккаблашиб, фуқаролар урушига айланди. Бу тўполонларда минглаб одамлар ҳалок бўлди. “Араб баҳори”нинг келиб чиқишига ижтимоий ва сиёсий муаммолар билан бир қаторда иқтисодий омиллар ҳам таъсир қилди. Коррупция, ишсизлик, қашшоқлик, адолатсизлик каби ижтимоий муаммолар, халққа нисбатан сиёсий шахслар зўравонлиги бу жараёнларнинг келиб чиқишига замин яратди. Умуман олганда, бу омиллар мазкур жараён таъсир қилган мамлакатларнинг аксариятида энг долзарб муаммолар эди. Шу билан бирга ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос ижтимоий ва сиёсий хусусиятлари ҳам воқеаларга таъсирини ўтказди.

АСОСИЙ ҚИСМ

“Араб баҳори”нинг дастлабки учкуни 2010 йил 17 декабрда Тунисда алангаланган

эди. Халқнинг ҳокимият ва тартибларга қарши ҳаракати 2010 йил 18 декабрдан бошлаб бутун мамлакатга ёйилди. Тунисда бошланган намоёишлар Миср, Ливия, Яман, Баҳрайн, Сурияга, яъни Шимолий Африка ва Яқин Шарқ мамлакатларига тарқалди ва жиддий салбий оқибатларни келтириб чиқарди.

“Араб баҳори” энг чуқур таъсир қилган мамлакатлардан бири Суриядир. Унда қисқа вақтда мамлакатнинг қатор шаҳарларида ўтказилган намоёишлар тез орада катта низоларга айланди. Тўқнашувларда минглаб одам ҳалок бўлди, миллионлаб кишилар бошпанасиз қолди, мамлакат ичида фуқаролар уруши авж олди, мажбурий миграция жараёнлари юзага келди. Сурияда рўй берган воқеаларга мамлакатнинг ички муҳити билан бир қаторда ташқи кучларнинг таъсири ҳам бўлди. Сурия президенти Башар Асад 2011 йилнинг 21 январидаги баёнотида “Араб баҳори” сабабли Яқин Шарқда янги жараён бошлаганини ва ҳукуматлар халқ истагини амалга ошириши кераклигини таъкидлади, ислохот ва озодлик сари қадам қўйилишини маълум қилди[2]. Асад бу баёнотини эълон қилар экан, “Араб баҳори” Сурияда бу даражада ёйилишини кутмаган эди. Лекин қисқа вақт ўтгач, дастлабки ҳаракатлар мамлакатнинг жанубида, Иордания билан чегарадош ҳудуддаги Даръа шаҳрида кўча деворларига амалдаги сиёсий режимга қарши ёзувларнинг ёзилиши билан бошланди. “Халқ режимнинг йўқ бўлишини истайди” мазмунидаги девор ёзуви сабабли халқ ва полиция бир-бирига қарши келди. Бу воқеа муносабати билан 15 март “Ғазаб куни”, деб эълон қилинди ва 18 март – Жума намозидан кейин мамлакатнинг қатор шаҳарларида режимга қарши ошқора намоёишлар бошланди. Бу намоёишлар сабабли келиб чиққан тўқнашувларда қурбонлар ҳам бўлди. Гарчи ҳукумат аввалига воқеаларга у қадар эътибор бермаган бўлса-да, у қисқа фурсат ичида бутун мамлакатга ёйилди ва қуролли тўқнашувларга айланди. Башар Асад низоларни бартараф этиш мақсадида мамлакат сиёсатининг баъзи йўналишларида ислохотлар бўлишини билдирди. Даръа шаҳри ҳокими ишдан олинди, курдларга фуқаролик берилиши айтилди, умумий авф берилиши ва айрим маҳбуслар озод этилиши ваъда қилинди. Шунга қарамай, воқеаларни тўхтатиб бўлмади ва муҳолифат 25 мартни “Барқарорлик жумаси”

деб эълон қилди. Ўша вақтда БМТ баёнотига кўра, март ойида бу ўлкада ўлганлар сони 850 дан ошиб кетган эди.

Воқеалар авжига чиққач, Кофи Аннан БМТ ва Араб лигасининг махсус вакили сифатида 2012 йилнинг 27 мартда олти банддан иборат тартибга солиш режасини илгари сурди. Бирок халқаро даражада Хитой ва Россия ҳам қўллаб-қувватлаган бу режа амалга ошмади, аксинча тўқнашувлар кучайди.

Сурия воқеаларини тўхтатиш учун 2012 йилнинг 30 июнида Женевада конференция ташкил қилинди. БМТ Бош қотиби Пан Ги Мун бошчилигида ўтказилган ушбу конференцияда Араб Лигаси бош қотиби, БМТ, АҚШ, Франция, Англия, Қатар, Россия, Туркия, Хитой вакиллари қатнашди. Тўқнашувларни тўхтатиш ва муаммони ҳал қилиш учун ҳукумат ва муҳолиф вакиллари учраштиришга келишилди, лекин бунда низоларни тўхтатиш масаласида бирор бир ечимга келишнинг имкони бўлмади[3]. Кейинги жараёнларда Сурия инқирози чуқурлашиб кетди, 2014 йилнинг 22 январь-16 февралда иккинчи Женева конференцияси, 2016 йил январда ўтказилган учинчи йиғилиш ҳам фуқаролар урушини тўхтатишга аниқ ечим тақдим этмади. 2017 йилнинг ўрталарига қадар, Сурия инқирозида ечим топилмагани учун можаро жараёнида кўп қиррали ва аралаш масалалар кўпайиб кетди[4].

Сурия инқирози бошланганидан кейин Сурияда жойлашган ИШИД, Курдистон ишчи партияси ва уларга боғлиқ гуруҳлар PYD–YPG (Демократик бирлик партияси - Халқ мудофааси отряди) Туркияга нисбатан террористик ҳужумларини амалга ошира бошлаган эди. Ушбу ҳужумлар оқибатида кўплаб полиция ва туркия фуқаролари қурбон бўлди, яраланди ва тинчлигини йўқотди. Шу билан бирга кўплаб давлат ва жамоат мулклари катта зарар кўрди, моддий ва маънавий йўқотишлар бўлди.

2012 йилнинг октябрида Туркия-Сурия чегаранинг Сурия томони - Тел Абяд вилоятида Сурия армияси ва муҳолифат кучлари ўртасидаги тўқнашувларда Туркиянинг чегара ҳудудидаги маҳаллалар бобардимон қилинди. Бунинг оқибатида беш киши ўлди, ўн киши яраланди. Бунга жавобан, белгиланган қоидаларга кўра, Туркия ҳарбий кучлари томонидан Суриядаги айрим нишонларга зарба берилди. Ҳукуматнинг муҳолифатчиларга қарши ҳужуми оқибатида Туркия чегара ҳудудларига снарядларнинг тушиши Сурия инқирозининг Туркияга, хусусан

унинг чегара худудларига бевосита таъсир килганини кўрсатади.

2013 йилнинг 11 феврида Жилвеғўзу чегара пунктнинг буфер зонасида қолдириб кетилган транспорт воситасининг портлаши оқибатида 18 киши ҳалок бўлди, 24 киши тан жароҳати олди. Бу ҳужум чегара пунктнинг нариги томони муҳолифат кучлари назоратида бўлгани учун амалга оширилди. Бир қатор ОАВ томонидан портлаш Суриянинг махфий агентураси томонидан уюштирилгани ҳақида ахборотлар тарқатилди. Хатайнинг Рейханли тумани марказида миналаштирилган иккита транспорт воситасининг портлаши оқибатида 52 киши қурбон бўлди, 155 нафар одам яраланди. Ушбу хуруж Сурия агентлари томонидан қўллаб-қувватлангани, портлаш ортида ТНКР-С – Революцион халқ озодлиги партияси-фронти Тезкор гуруҳи ва унинг етакчиси Михрач Урал турган, деган қарашлар илгари сурилди. Бу хуруж Туркия дуч келган энг қонли террор хуружи сифатида тарихда қолди.

2014 йилнинг 20 мартдан 2020 йилнинг 1 июнигача бўлган даврда ИШИД томонидан амалга оширилган террорчилик ҳужумлари оқибатида бир неча юз киши ҳаётдан кўз юмди, икки минг нафарга яқини яраланди. ИШИД дастлабки террорчилик хуружини 2014 йилнинг 20 март куни Ниғде шаҳрида уюштирди. Ўшанда Ниғде шаҳри хавфсизлик кучлари уч нафар ИШИД жангариси жойлашган транспорт воситасини тўхтатишга уринганида жангарилар ўт очди ва бунинг натижасида икки нафар хизматчи ҳалок бўлди, 8 киши яраланди[5].

2015 йил давомида ИШИД ўзининг террорчилик ҳаракатларини кучайтирди, хавфсизлик ходимлари қатори оддий фуқаролар ҳам нишонга олинди. 2015 йилнинг 6 январь куни Истанбулдаги Туризм шўъбаси полиция бўлимига уюштирилган ҳудкушлик ҳужумида бир полициячи ҳалок бўлди. Шу йилнинг 5 июнь куни Диёрбакрдаги Халқ Демократик Партияси томонидан уюштирилган сайлов митингида бомба портлатилиши оқибатида тўрт киши ўлди ва 100 нафардан ортиғи яраланди. 20 июль кунли Шонлиурфаннинг Суруч туманида ташкил этилган матбуот анжуманида уюштирилган портлашда 34 киши ҳалок бўлди ва 69 киши тан жароҳати олди. 1 сентябрь куни Килисда полиция бўлимига Сурия томонидан уюштирилган ҳужумда бир киши ўлди, яна бир аскар ўғирлаб кетилди. Туркия тарихидаги энг йирик террористик ҳужумлардан бири

10 октябрь куни Анкара темирйўл станцияси олдида “Меҳнат ва тинчлик” митингида юз берди. Ҳужум оқибатида 102 киши ҳаётдан кўз юмди, юзлаб одамлар яраланди. 26 октябрь куни Диёрбакрда ИШИД ҳужраси жойлашган уйни олиш учун амалга оширилган жанговар операцияда икки полициячи шаҳид бўлди, 7 жангари ўлдирилди ва тўққизтаси қўлга олинди. 2016 йилда ҳам ИШИД ҳужумлари кўпайди. 12 январь куни Истанбулдаги Султонаҳмед обидасида уюштирилган хуружда 10 нафар германиялик сайёҳ ўлди. Бу Туркия заминида илк маротаба хорижликлар нишонга олинган хуруж бўлди. 19 март куни Истанбулнинг Истиклол кўчасида ҳудкушнинг ўзини портлатиши оқибатида 4 нафар чет эллик фуқаро қурбон бўлди, 39 киши яраланди. 1 май куни Газиантеп полиция бўлимига қилинган ҳужумда уч полициячи ўлдирилди, 34 киши яраланди. 28 июнь куни Истанбул аэропортидаги ҳужумда 45 киши, жумладан 19 нафар хорижлик ҳалок бўлди, 239 киши тан жароҳати олди[6].

20 август куни Газиантеп марказидаги Шаҳинбей туманида кўчадаги тўйда уюштирилган портлашда 52 киши нобуд бўлди, 94 киши яраланди. 16 октябрь куни Газиантеп университети рўпарасидаги “500 уй маҳалласи”даги ИШИД ҳужрасига уюштирилган рейд пайтида икки нафар ИШИД жангарисининг ўзини портлатиши оқибатида уч нафар полициячи ҳалок бўлди ва 8 киши жароҳат олди. 4 ноябрь куни Диёрбакирдаги Боғлар шаҳридаги портлашда икки полицияси ва 9 нафар фуқаро ўлдирилди, юздан зиёд одам яраланди. Хуруж ҳам ИШИД, ҳам Курдистон ишчи партияси бўлими бўлган ТАК (Курдистон озодлик лочинлари) жангарилари томонидан амалга оширилди. 2017 йил Янги йил кечаси Истанбулнинг Ўртақўйидаги тунги клубга қилинган ҳужумда 39 киши ўлдирилди[7].

ИШИД томонидан уюштирилган ҳужумлар ижтимоий барқарорликни издан чиқариш учун тинч аҳолига қаратилган эди. Сурия инқироzi фониди ИШИДдан ташқари, Курдистон ишчи партияси, Демократик бирлик партияси, Курдистон озод лочинлари каби террорчи гуруҳлар томонидан уюштирилган ҳужумларда мамлакат ички ва чегара худудлардаги ҳарбий қисмлар, полиция пунктлари, тинч аҳоли, транспорт воситалари нишонга олинган[8].

2014 йилнинг январиди ИШИД Туркия чегараси яқинида бўлган Тел-Абяд ва Жераблус шаҳарларини қўлга киритгач, Кобани

(Айн ал-Араб) шаҳрига йўл олди. Кобани Шонлиурфанинг Суруч туманига қарама-қарши ерда жойлашган. Қарийб 250 минг аҳолига эга бўлган шаҳардаги тўқнашувлар оқибатида оммавий кўчишлар авж олди. 2014 йил сентябрь ойига келиб ИШИД томонидан камалнинг кучайтирилиши Туркияда Кобани шаҳри мавзусини кун тартибига кўтарди. Айниқса, Курдистон ишчи партияси етакчиси Ўжалоннинг “халқимиз охиригача курашади”, деган хабари, Халқ Демократик Партиясининг “Кобанидаги қатлиомга қарши 7 дан 70 ёшгача бўлган барчанинг кўчага чиқиб, жойларни эгаллаши ва норозилик ҳаракатини бошлашга чақирамиз” қабилидаги баёнотидан сўнг қисқа фурсатда шаҳар ва шарқий вилоятларда кўплаб намоёнлар ўтказилди. Намоёнлар шиддатли тус олиши оқибатида 50 киши ўлди, кўпчилик яраланди, кўплаб жамоатчилик бинолари, транспорт воситалари, иш жойлари, партия биноси хужумга учради. Бу жараёнда шарқий вилоятларда Хур даъво партияси ва Халқ Демократик партияси тарафдорлари ўртасида тўқнашувлар юз берди. Воқеаларни тўхтатиш учун олтига вилоятда фавқулодда ҳолат эълон қилинди, тўполонларнинг учинчи куни Халқ Демократик партияси ўз муносабатини билдирди ва Ўжалоннинг чақириғи билан жанжаллар барҳам топди.

Кобанидаги ИШИД ва Курдистон ишчи партияси ҳамда Демократик бирлик партияси ўртасидаги тўқнашувлар Туркиянинг ички иши бўлмаса-да, Сурияда рўй берган воқеаларнинг Туркияга нақадар тез таъсир қилишини кўрсатиб, бу масалалар доимий эътиборда туриши кераклигини кўрсатди.

Сурия инқирозининг Туркияга энг кучли таъсир қилган жиҳатларидан бири миграциядир. Сурия қочқинларининг дастлабки оқими 2011 йил апрелда кузатилади. Туркия суриялик қочқинларга нисбатан “Очиқ эшиклар сиёсати”ни қўллади. Табиий офатлар ва фавқулодда вазиятлар давлат қўмитасининг 2011 йил августда берган маълумотида кўра, Суриядан қарийб 80 минг қочқин келган ва ҳукумат расмийлари бу кўрсаткични 100 минг, деб кўрсатишди. Суриядаги инқирознинг чуқурлашиши, зўравонликларнинг кучайиши ва воқеаларнинг шиддатли тус олишига ўша вақтларда юз берган табиий офатлар ва фавқулодда вазиятлар ҳам қўшилиб кетди. Туркиянинг миграция бўйича давлат бошқармаси маълумотларига кўра, 2017

йилнинг 30 октябрь ҳолатига кўра, Туркия ўша вақтларда 3.268.818 нафар сурияликни қабул қилганди. Шундан 227.997 нафар суриялик 10 та вилоятда ташкил этилган бошпана марказларига жойлаштирилган бўлса, қолганлари Туркия бўйлаб тарқалиб кетди. Бу жараён давомида суриялик қочқинларга давлат муассасалари, нодавлат ташкилотлари ва жамоатчилик томонидан кўрсатилган ёрдам миқдори 2020 йил декабрь ҳолатига 40 миллиард доллардан ошган.

Туркияда суриялик қочқинларнинг кўпайиб бориши мамлакатнинг фуқаролик, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, хавфсизлик масалаларига катта таъсир кўрсатди, албатта. Туркияда бундай кўп сонли муҳожирларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш муаммоси вужудга келди. Қочқинлар лагеридан ташқари яшаган сурияликлар асосан чекка маҳаллаларда гавжум оилалар ҳолида яшашни маъқул кўрдилар[9].

Бу ҳолат шаҳарда харобаларнинг кўпайиши, ноқонуний фаолият турларининг кенгайишига замин яратади. Бу вазиятда сурияликларнинг гиёҳвандлик ва бундай моддалар савдоси, ўғрилиқ ва фахш ишлари ҳақида гап кетмоқда. Яна бир долзарб ижтимоий масала айрим шаҳарларда демографик ҳолатнинг ўзгаришидир. Хусусан, бу масала сурияликлар кўп жойлашган шаҳарларда вужудга келди. Бунга Килис шаҳри мисол бўла олади. Аҳоли нуфузи 100 мингга яқин бўлган Килисга суриялик қочқинларнинг кўплаб келиши натижасида шаҳардаги одам сони икки баробар ошди, маҳаллий халқ билан улар ўртасида келишмовчилик чиқиши ва у оммавий тус олиши хавфи кучайди[10]. Бунда этник ва мазҳаб жиҳатидан келишмовчиликлар асосида фитна чиқарилиши хавфи ўта кучайди. Чегара ҳудудларидаги ва сурияликлар кўп жойлашган кентларда индивидуал ва жамоатдаги воқеалар бошқача талқин қилиниши ва бу оммавий реакцияларни келиб чиқишига сабаб бўлди. Хусусан, оммавий реакциялар айрим ноҳолис халқаро оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар таъсирида ҳам содир бўла бошлади.

ХУЛОСА

Сурия инқирозининг яна бир муҳим инъикоси Туркияга тегишли ҳарбий самолётнинг уриб туширилиши бўлди. Бу воқеадан сўнг Туркия Сурияга нисбатан ҳарбий қоидаларини ўзгартирди ва чегара ҳудудларида хавфсизлик

кучларини кўпайтирди. Бу воқеаларнинг давомида Сурияга қарашли бир вертолёт ва самолёт уриб туширилди. Россияга қарашли самолётнинг 2015 йил 24 ноябрда чегарани кесиб ўтгани учун Туркия ҳарбий ҳаво кучлари томонидан уриб туширилгани икки давлат ўртасидаги муносабатларга жиддий путур етказди. Туркия Суриядаги таҳдидларнинг кучайиб бориши туфайли 2014 йилда Сулаймон Шох макбараси ва Сайги полиция бўлимини чегарадаги Эшма минтақасига кўчирди. ИШИД чекинган вилоятларга Курдистон ишчи партиясининг кенгайиб Демократик бирлик партиясининг ерлашиши ва чегара ҳудудида илдиз отиши Туркияда норозилик уйғотди. Туркия Фуротнинг ғарбига қизил чизик тортди. Бу жараёнда Демократик бирлик партиясининг АҚШ томонидан қўллаб-қувватланиши Туркиянинг АҚШга бўлган ишончини сусайтирди. Туркия Россия билан ўртадаги муаммони ҳал қилгач, Фурот қалқони операциясини бошлаб, чегарадаги ИШИД таҳдидини бартараф этди, Демократик бирлик партияси ва Халқ мудофааси ортрядининг вилоятларни бирлаштириш режасини чиппака чиқарди. Туркия шу йўл оркали минтақада ҳарбий ҳаракатларни амалга ошириш натижасида чегара хавфсизлигини таъминлади.

Сурияда юз берган жараёнлар таъсири Туркияда кейинги йилларда қуйидаги каби бир қатор ўзгаришларни келтириб чиқарди:

Туркия ташки сиёсатда яқин ва узоқ сиёсий кучлар, уларнинг Суриядаги жараёнларга ёндашувлари ва Туркия билан алоқаларига нисбатан муносабатини қатъийлаштирди;

Туркия Шимолий Африка ва Яқин Шарқ мамлакатларининг минтақавий ва халқаро муносабатларида улар манфаатларини кўзламайдиган Ғарб сиёсий доираларининг муносабатларига қарши туриш юзасидан ташаббусларини турли шаклларда тўғридан-тўғри тарғиб қилишга ўтди;

чегара ҳудудларида вужудга келган жанговар ҳолатлар оқибатида ўз ички ва чегара ҳудудларини ҳимоялашнинг аниқ режаларини ишлаб чиқди ва амалга татбиқ этди;

Суриядан миграция кўчишлари, иқтисодий таъсир, буларга бошқа давлатларнинг аралашувлари натижасида инсон ҳуқуқлари нормативлари, халқаро иқтисодий муносабатлар ва миграцион жараёнлар, булар билан боғлиқ давлат сиёсати масалаларида кўплаб ҳуқуқий меъёрий ўзгаришларни амалга оширди;

Ҳарбий ва стратегик ҳамкорлик масалаларида кескин ўзгаришлар ва таклифларни илгари сурди ва буларнинг барчаси минтақада вақти-вақти билан Туркия сиёсатини қўллаб-қувватловчилар сонининг ортиб боришига олиб келди.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Elseewi, T. A. (2011). A Revolution of the Imagination. *International Journal of Communication* (19328036), 5. // <https://ijoc.org/index.php/ijoc/article/view/1237> 22.10.2016
2. Aykan M.B. (1999). The Turkish-Syrian Crisis of October 1998: A Turkish View. *Middle East Policy*, 6(4), 174. // <https://onlinelibrary.wiley.com/doi/abs/10.1111/j.1475-4967.1999.tb00361.x> 10.09.2011
3. Yazgan P., Utku D. E., & Sirkeci, I. (2015). Syrian crisis and migration. // <https://journals.tplondon.com/ml/article/view/273>
4. Niğde'deki Işid Davası Yeniden Ertelendi // <https://www.haberler.com/nigde-deki-isisid-davasi-yeniden-ertelendi-8081187-haberi/> 20.01.2016.
5. İstanbul Atatürk Havalimanı'nda patlama: 42 ölü, 238 kişi yaralandı // <https://www.milliyet.com.tr/gundem/istanbul-ataturk-havalimaninda-patlama-42-olu-238-kisi-yaralandi-2270286> 28.06.2016
6. Arcos González P, Cherri Z, Castro Delgado R. The Lebanese–Syrian crisis: impact of influx of Syrian refugees to an already weak state. *RMHP*. 2016;9:165–172. // <https://www.dovepress.com/the-lebanesendashsyrian-crisis-impact-of-influx-of-syrian-refugees-to--peer-reviewed-fulltext-article-RMHP> 26.08.2016
7. Cousins S. (2015). Syrian crisis: health experts say more can be done. *The Lancet*, 385(9972), 931-934. // [https://doi.org/10.1016/S0140-6736\(15\)60515-3](https://doi.org/10.1016/S0140-6736(15)60515-3) 20.06.2015
8. Yazgan P., Utku, D. E., & Sirkeci, I. (2015). Syrian crisis and migration. // <https://journals.tplondon.com/ml/article/view/273>
9. Azimov H.Y. (2019). The emergence of the Syrian crisis and the impact of the external forces on it. *Bulletin Social-Economic and Humanitarian Research*, (4), 92-97. // <https://zenodo.org/record/3594434> 11.12.2019
10. Khashanah K. The Syrian Crisis: a systemic framework. *Contemporary Arab Affairs*, 2014. 7(1), 1-21. // https://www.researchgate.net/publication/271757457_The_Syrian_Crisis_A_systemic_framework 11.05.2014